

ПУДРАТИ ШАРТНОМАСИ

Келгусида «Буюртмачи» деб номланувчи “Хива шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси номидан Низом асосида иш юритувчи директор **П.Жанибеков** бир томондан, келгусида «Лойихачи» деб номланувчи **“XORAZM YOL KOPRIK QURILISH” МЧЖ** номидан иш юритувчи раҳбар **Н.Саидов** иккинчи томондан, **“Хоразм вилояти Хива шаҳар Киёт МФЙ Абу Наср Фаробий кўчаси ички йўллари жорий таъмирлаш”** объектига смета ҳужжатларини ишлаб чиқаришни шартномасни туздилар.

1. Шартноманинг мазмуни

1.1. Лойихачи Буюртмачининг лойихалаш топшириғи бўйича ишчи лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади.

1.2. Буюртмачи лойиха-смета ишларини бажариш учун топширик бериш, зарур бўладиган бошланғич маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш, белгиланган тартибда ва микдорда ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.3. Лойихачи кўрсатиб ўтилган ишларни «Қорхона, бино ва иншоотлари лойиха смета ҳужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби ва тасдиқлаш» ҳақидаги 1.03.01-03 ШНҚ қоида ва қўлланмалари ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллайди.

2. Ишларни бажариш муддати

2.1. Лойихачи ишларни дастлабки аванс тўлови амалга оширилган кундан бошлаб бажаришга киришади.

2.2. Мазкур шартномада ЛСХни тайёрлаш муддати, ишлар бошланган кундан бошлаб 5 кун этиб белгиланади.

2.3. Буюртмачи томонидан топширик, бирламчи маълумотларни бериш ва Лойихачи томонидан Буюртмачининг топшириғи бўйича иловадаги кўчаларни ишчи ЛСХ ҳужжатларини ишлаб чиқиш, амалдаги тартиб қоидалар бўйича топшириш муддатларини томонлар календар жадвалда белгилайдилар ва у шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

3. Шартнома баҳоси.

3.1. Мазкур шартнома бўйича Лойихачи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (*26.10.2022 йил Лот № 166177*) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва ККС билан жорий нархларда **24 100 000 (Йигирма тўрт миллион бир юз минг)** сўмни ташкил этади.

4. Тўлов шартлари.

4.1 Шартномада миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши белгиланади, тўловлар тўғридан-тўғри Лойихачи ҳисоб рақамига пул ўтказиш орқали амалга оширилади.

4.2. Мазкур шартнома бўйича мақсадли аванс, ишлар умумий қийматининг **30 фоизини** ташкил қилади ва шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида тўлаб берилади.

4.3. Буюртмачи мазкур шартномада белгиланган ишлар тўлалигича бажарилиб, ҳажми, сифати ва Лойихачининг ҳисоботи текширилиб, Давлат экспертизаларидан ўтказилиб, аниқланган камчилик ва хатолар, билдирилган эътирозлар бартараф

қилиниб ижобий хулосалар олингандан кейин шартнома қиймати доирасида илгари берилган авансни ҳисобга олган ҳолда яқуний тўловни амалга оширади.

5. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Лойихачининг мажбуриятлари:

5.1. Лойихалаш ҳақидаги топшириққа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартномада белгиланган Буюртмачига топшириш мажбуриятларини олади.

5.2. Объекти ЛСХ ҳужжатлари ва нуқсонлар далолатномаларини тайёрлаб, Буюртмачи билан биргаликда фойдаланиш ташкилотлари (электр тармоқлари корхонаси, водоканал, райгаз, ёнғин хавфсизлиги назорати), тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш.

5.3. Буюртмачининг розилигисиз ЛСХ ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик.

5.4. Тайёрланган ЛСХ ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини кафолатлайди.

5.5. Буюртмачи томонидан тақдим қилинган дастлабки ва бирламчи маълумотларни, муҳандислик қидирув хулосаларини, Буюртмачининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик, улардан фақат ушбу шартномадаги предметда фойдаланиш мажбуриятини олади.

5.6. Объектда қурилиш ишлари тўлалигича яқунлангандан сўнг, ишчи комиссиясига Лойихачи объектнинг ЛСХ ҳужжатлари асосида қурилганлиги тўғрисида хулоса тақдим қилиш.

5.7. ЛСХ ҳужжатларини бир-бирига мутаносиблиги (мос келиши) ва иш хажмларини ишчи чизмаларида берилган иш турлари мослиги ШНК талабларига жавоб беришига лойихачи ташкилоти буюртмачи ва пудратчи олдида жавобгардир.

Буюртмачининг мажбурияти:

5.8. Лойихачидан олинган ЛСХ ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, ЛҚИ ҳужжатларини Лойихачининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик.

5.9. Шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда шартномани 1.1-бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва бажарганлик учун Лойихачига ҳақ тўлаш.

5.10. Лойихачига лойиха ишларини бажаришда ушбу шартномада назарда тутилган хажмда ва шартларда хизмат кўрсатиш.

5.11. Тайёр бўлган ЛСХ ҳужжатларини тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органлари билан келишиб олишда Лойихачи билан бирга қатнашиш.

5.12. Лойихачига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар сабабли лойиха ишларини бажариш учун бошланғич маълумотлар ўзгариши билан боғлиқ кўшимча харажатларни Лойихачига тўлаш.

5.13. Тайёрланган ЛСХ ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан кўзгатишган даъво юзасидан ишга қатнашишга Лойихачини жалб қилиш.

5.14. Лойихачининг ҳуқуқлари:

- ЛСХ хужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида зарурат бўлса айрим махсус қисмларини бажариш учун ёрдамчи (субподрядчикларни) жалб қилишга ҳақлидир.

6. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

6.1. Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топширик талаблари асосида календар жадвал бўйича амалга оширилади.

6.2. Лойихачи томонидан топшириладиган ва расмийлаштириладиган хужжатлар руйхати техник топширикда аникланади.

6.3. Лойихачи ишларни бажариб бўлгач, Буюртмачига техник топширикда кўрсатилганидек топшириш - қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова қилиб битта электрон вариант ва 3та нусхада хужжатлар комплектини ҳисобот билан тақдим этади.

6.4. Буюртмачи мазкур шартномада кўрсатилганидек, топшириш - қабул қилиш далолатномасини ва ҳисобот хужжатлари бажарилган ишларни 5 кун мобайнида қабул қилиш мажбуриятини олади ва Лойихачига имзоланган, ёки асосли эътироз билдирилган топшириш-қабул қилиш далолатномасини жўнатади.

6.5. Бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш давомида буюртмачининг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгилловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

6.6. Агар ишларни бажариш жараёнида, кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлиб қолса, томонлар 5 кун мобайнида бир-бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳақида хабардор қилишлари шарт ва 10 кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган мажбуриятлар юкланади.

6.7. Ўзаро ҳисоб-китоблар қилишнинг муддати келганлиги, томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳақидаги ёзма хабарнома берган санадан ҳисобланади.

6.8. Бажарилган ишлар (босқичлар)да камчилик ва нуқсонлар аниқланганда лойихачи уларни беғараз бартараф этади.

6.9. Агар Лойихачи ўтган босқич учун ҳисобот бермаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

7. Тарафларнинг жавобгарлиги.

7.1. Лойихачи ЛСХ хужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган ЛСХ хужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир ва камчиликларни бартараф қилиш учун қилинган харажатларни қоплайди.

7.2. ЛСХ хужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда, Лойихачи Буюртмачининг талаби билан 10 кун муддатда ЛСХ хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

7.3. Томонларнинг мажбуриятларини бажармаганлиги ёки етарли даражада бажармаганликлари учун жавобгарликлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисидаги» қонунга, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик кодексига асосан белгиланади.

7.4. Лойихачи томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар муддати кечиктирилганда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.5. Бажарилган ишлар (хизматлар) учун тўловни ўз вақтида амалга оширмаганлик учун Буюртмачи Ижрочига кечиктирилган ҳар бир кун учун амалга оширилмаган тўлов миқдорининг 0,4 фоизи миқдориди пеня тўлайди, аммо бунда пенянинг умумий суммаси тўланмаган тўлов миқдорининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

7.6. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

7.7. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

8. Қоррупцияга қарши курашиш шартлари

8.1. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома буйича уз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тугрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул туламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки уз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кузлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қийматликлар ёки мулкӣ наф олмайди. Томонлар ушбу ҳаракатларга йул қуймаслик буйича чоралар қурилишига қафолат беради.

9. Бартараф этиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс – мажор).

9.1. Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ҳодисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган бошқа кучлар сабабли содир бўлган бўлса, ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома буйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чиқарган оқибат ҳукм сурган вақтга мос равишда орқага сурилади.

9.2. Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортиқ вақтга чўзиладиган бўлса, Лойихачи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора-тадбирлар кўришни муҳокама қиладилар. Агар томонлар икки ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг ҳар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

10. Қўшимча шартлар

10.1. Буюртмачи 1.1 - бандда кўрсатилган объектдан ташқари, Лойихачи томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга ҳақли эмас, Лойихачи олинган бирламчи маълумотлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

10.2. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг

шартномавий - ҳукукий базаси тугрисида» ги қонунига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

11. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

11.1. Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва унинг шартлари тўлиқ бажарилгунча ўз кучида қолади.

11.2. Шартноманинг муддати тугашига қарамай, томонлар жавобгарликдан озод этилмайди.

11.3. Шартноманинг амал қилиш муддати 31.12.2022 йилгача.

12. Бахсларни ҳал этиш тартиби

12.1. Томонлар ўртасида ушбу шартнома бўйича низолар ва келишмовчиликлар улар ўртасида музокара ўтказиш ёли билан ҳал қилинади.

12.2. Агар низо ва келишмовчиликларни музокаралар ёли билан ҳал қилиб бўлмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд орқали ҳал қилинади.

13. Шартномани ўзгартириш ва унга қўшимчалар киритиш тартиби ва бекор қилиш тартиби.

13.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

13.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига кўра, етказилган зарарни қоплаш шarti билан йўл қўйилади.

13.3. Лойихачининг айби билан ишларнинг бориши тўхтаб қолса ва ишларнинг тугатилиши шартномада белгиланган муддатдан бир ойдан ошиқ муддатга кечиктирилса, берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати мавжуд талабларга жавоб бермаса, Буюртмачи шартномани бекор қилишга ҳақли.

13.4. Лойихачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиха ишлари Буюртмачи томонидан бир ойдан ошиқ муддатга тўхтатилса, Буюртмачи лойихалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса, Лойихачи шартномани бекор қилишга ҳақли.

13.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган томон иккинчи томонга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юборади, иккинчи томон 10 кунгача эътироз билдирмаса шартнома бекор қилинган ҳисобланади.

14. Томонларнинг реқвизитлари:

Буюртмачи:

Хива шаҳар ҳокимлиги
ҳузуридаги

Ободонлаштириш бошқармаси

Манзили: Хива ш. элобод кучаси

101-уй

Телефон: +99891-859-03-63

ш/хр40172286033406706510011000

6

СТИР 305111507

Молия вазирлиги фазначилиги

Фазна х/в: 2340 2000 300 100 001

010



Лойихачи:

“XORAZM YOL KOPRIK QURILISH”
МЧЖ

Манзили: Урганч шаҳар Партов к 6-уй 2 пр

Телефон: 97-791-6525

Х/р -20208000204600825002

СТИР -300384037

ОКОНХ

БАНК ТИФ Миллий банк Урганч филиали

МФФ: 00547



Директор

Н.Саидов

Марказий банк Тошкент шаҳар
ХКМ
МФО 00014 СТИР 201 122 919

МФО 00547

Рахбар _____
П.Жанибеков



Директор _____


Н.Саидов

2022 йил «__» _____
№- _____-сонли шартномага 1-илова

"Хоразм вилояти Хива шаҳар Киёт МФЙ Абу Наср Фаробий кўчаси ички йўллари жорий таъмирлаш"
бўйича лойиҳа ишларини бажариш

ГРАФИГИ

№	Объект номи ва манзили	Ишлар тури	Ишлар қиймати жами, минг сум	шу жумладан 2022 йил		қурил иш давом ида
				октябрь	ноябрь	
1	2	3	4	5	6	7
1	"Хоразм вилояти Хива шаҳар Киёт МФЙ Абу Наср Фаробий кўчаси ички йўллари жорий таъмирлаш"	Лойиҳа-смета ишлари	24 100,0	24 100,0		-
	ЖАМИ:		24 100,0	24 100,0		-

Буюртмачи



Лойиҳачи





Hujjat **elektron raqamli imzo** orqali imzolangan.
Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun **QR Code** ni skanerlang.

Imzolovchi F.I.SH.	PARXAD JANIBEKOV LATIPOVICH
Imzolangan sana	10.11.2022 15:57
Hujjat kodi	SK02437512

Хоразм вилояти Хива шаҳар Киёт МФЙ Абу Наср Фаробий кўчаси ички йўлларини жорий таъмирлаш бўйича ойлар давомида ишларни бажариш графиги


(Минг. сум)

Т/р	Объект номи ва манзили	Хажм бирлигининг киймати	2022 йил учун ишларни бажариш киймати											
			1-чорак			2-чорак			3-чорак			4-чорак		
			январ	феврал	март	апрел	май	июнь	июль	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр
1	Хоразм вилояти Хива шаҳар Киёт МФЙ Абу Наср Фаробий кўчаси ички йўлларини жорий таъмирлаш	24 100 000	4	5	6	7	8	9	11	12	13	14	15	16
													24 100 000	

М.У



Бюроетмачи:




Гўдратчи:

(Handwritten signature)

Хива шаҳар маршрут йўналишига кирган ҳудуддаги хиёбонларга МАФ (кичик архитектура шакллари) куриш буйича ойлар давомида молиялаштириш графиги

(МИЛГ. СУМ)

Т/р	Объект номи ва манзили	Хажм Бирлигининг киймати	2022 йил учун молиялаштириш киймати												
			1-чорақ			2-чорақ			3-чорақ			4-чорақ			
			январ	феврал	март	апрел	май	июнь	июль	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр	
1	Хоразм вилояти Хива шаҳар Киёт МФЙ Абу Наср Фаробий кўчаси ички йўлларини жорий таъмирлаш	3 24 100 000	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	24 100 000



Handwritten signature in blue ink.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

NQ8316545867

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **PUDRAT ShARTNOMASI**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: "XIVA SHAHAR OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI" DAVLAT MUASSASASI tomonidan 04.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Xiva shahar yuridik
markazi
bosh yuristkonsulti:**



M.M.RUSTAMOV

04.11.2022